

**“Умумжаҳон пул ҳафталиги” доирасида мактаб ўқитувчилари ўртасида
ташқил этиладиган танловни ўтказиш
ҚОИДАЛАРИ**

1. Умумий қоидалар

Ушбу ҳужжат “Умумжаҳон пул ҳафталиги” (Global Money Week) доирасида “Маблағларни банкларда сақлаш хавфсиз ва фойдали” мавзусидаги “Молиявий саводхонлик бўйича энг яхши дарс” танлови (бундан буён матнда **Танлов** деб юритилади) ташқил этиш ва ўтказишни тартибга солади.

Танлов Марказий банк томонидан ўтказилиб, натижада иштирокчилар яратган ижодий ишлар орқали ўқувчиларда молиявий саводхонликни ошириш, базавий банк маҳсулотларидан хавфсиз ва тўғри фойдаланиб жамғармаларни шакллантириш ҳамда молиявий хатарлар тўғрисидаги билимларни ошириш кўзда тутилган.

Танловда ўқув фанлари негизида жамғармаларни шакллантириш маданияти, омонатлардан фойдаланиш, молиявий хавфсизликни таъминлаш бўйича билим ва кўникмаларни ўқувчиларга энг яхши усулда ёритган иш (очиқ дарс, маҳорат дарси, ижодий иш ва ҳ.) аниқланади.

2. Танлов мақсади

Танлов ўқув фанларига молиявий саводхонлик компонентини киритиш орқали мактаб ўқувчилари орасида молиявий саводхонликни ва молиявий таълимни оммалаштириш мақсадида ўтказилади. Танлов мақсадларидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланади:

- молиявий саводхонлик соҳасида таълим сифатини ошириш;
- молиявий саводхонлик соҳасида педагогик тажрибани шакллантириш;
- ўқув жараёнининг услубий таъминотини такомиллаштириш;
- мактаб ўқувчиларининг молиявий маданиятини ривожлантиришга кўмаклашиш.

3. Танлов ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳайъати

Танлов ташкилий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларидан ташқил топади ва қуйидагиларга масъул ҳисобланади:

- иштирокчилардан аризалар ва **Танлов** бўйича ижодий ишларни қабул қилиш;
- танловга тақдим этилган ишлар, материаллар ва ҳужжатларни ўрганиш, шу жумладан плагиат мавжудлигини, танлов ишларининг танлов техник шартларига мослигини текшириш;
- танлов ғолибларини тақдирлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Марказий банкнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали Танлов тўғрисида маълумотлар бериб бориш;

- танловнинг саралаш тартибини мувофиқлаштириш.

Танловнинг ташкилий қўмитаси танлов ишларини жамоатчилик эътиборига тақдим этиш ва танлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида муаллифни хабардор қилмасдан ва уларга ҳақ тўламасдан ҳар қандай танлов ишларини тўлиқ ёки қисман нашр этиш ҳуқуқига эга.

Ижодий ишларни баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакилларида иборат Танлов ҳакамлар ҳайъати тузилади ва улар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- танлов мезонларига жавоб бермайдиган танлов ишларини кўриб чиқмаслик;

- танлов эълон қилинган муддатнинг биринчи ярими ичида танловни бекор қилиш, шартларини ўзгартириш, жумладан муддатини узайтириш.

Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг камида 2/3 қисми (кворум) Танлов ишларини баҳолаган тақдирда якуний натижалар инобатга олинади ва ваколатли ҳисобланади.

Танлов ҳакамлар ҳайъатининг яқин қариндошлари (турмуш ўртоғи, фарзандлари, ота-онаси, ака-ука, опа-сингиллари ва уларни фарзандлари) Танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди.

4. Танловнинг асосий шартлари

Танлов 5-11 синф фан ўқитувчилари ўртасида “Маблағларни банкларда сақлаш хавфсиз ва фойдали” мавзусини ўқув фанига уйғунлаштирган ҳолда дарснинг услубий ишланмасини тайёрлаш ва дарс ишланмаси асосида ташкил этилган дарсдан ташқари машғулотлар бўйича ўтказилади.

Дарслар ўқув фанлари доирасида олиб борилади.

5. Ғолибларни саралаш тартиби

Танлов бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзолари танлов доирасида аризаларни қабул қилиш якунланганидан сўнг ҳар бир иштирокчининг ижодий ишини 9-банда келтирилган мезонларга асосан ўрнатилган тартибда баҳолайди. Баҳолаш натижаларига кўра Танлов ташкилий қўмитаси балларни умумлаштириб чиқади. Энг кўп балл тўплаган иштирокчилар орасидан ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

Мазкур ҳужжатнинг 7- ва 8-бандларида кўрсатилган шартларга жавоб бермайдиган ижодий ишлар танлов ташкилий қўмитаси томонидан четлаштирилади.

6. Аризаларни тақдим этиш

Танлов иштирокчилари мазкур ҳужжатнинг қуйида келтирилган ариза шаклини тўлдириб, ўз ижодий ишлари билан биргаликда konkurs.cbu@gmail.com электрон почта манзилига юборишлари (хат мавзусида “Global Money Week” ўқитувчилар учун танлови деб кўрсатилиши шарт), шунингдек 100001, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 6 почта манзилига, ҳудудий Бош бошқармалари (<https://cbu.uz/oz/about/central-office/regional/>) орқали юбориши ёки шахсан электрон хотирада Марказий банкка етказиши мумкин.

Ариза шакли

Мактаб ўқитувчиси Ф.И.Ш.	
Ўқув фани	
Алоқа телефон рақамлари	
Мактаб рақами, манзили	
Мактаб директори алоқа маълумотлари	
Иштирокчининг яшаш жойи	

Танлов бўйича ижодий ишлар **2022 йил 1 апрелдан 30 апрелгача** қабул қилинади. Танлов якунланганидан сўнг натижалар Марказий банкнинг расмий каналларида эълон қилинади.

Жорий йил 1 майдан кечиктириб юборилган Танлов бўйича ишлар Танловда иштирок этишига рухсат берилмайди.

7. Ўқитувчилар учун танловнинг техник шартлари

Танлов мавзусига мос ҳолда ташкил этилган дарснинг услубий ишланмалари ва видеороликлари тақдим этилиши шарт.

Услубий ишланмаларга қўйиладиган талаблар:

Услубий ишланмалар .doc/.docx, ppt/pptx, pdf электрон форматда, 5 дан 15 бетгача тақдим этилади ва эркин форматда шакллантирилади.

Электрон ҳужжат қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

- аннотация (мавзу, мақсад, вазифалар, фойдаланилган методлар, дарс самарадорлиги);
- калит сўзлар (5-10 та атама);
- дарс сценарийси;
- иловалар (ўқитувчининг хоҳишига кўра).

Видеороликларга қўйиладиган талаблар:

Видеоролик исталган техник аппарат ёрдамида суратга олиниши мумкин ва қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

- видео формати: MP4 (h264);

- видеонинг пикселлар сони – 1080p (кенглик учун минимал ўлчам 1920 пиксел; баландлик учун минимал ўлчам 1080 пиксел) ёки 720p (кенглик учун минимал ўлчам 1280 пиксел; баландлик учун минимал ўлчам 720 пиксел);

- видеороликнинг давомийлиги - 20 дақиқагача;

- видеороликнинг охирида мактаб рақами ва ўқитувчининг исми фамилияси ҳамда ўқув фани кўрсатувчи ахборот бўлиши зарур.

Материаллар таркибида учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузиши мумкин бўлган ва / ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлиши мумкин бўлган реклама ва маълумотлар бўлмаслиги зарур.

Муаллиф асарларни танловга юбориш орқали автоматик равишда Танлов ташкилотчиларига тақдим этилган материаллардан нотижорат мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқини беради (интернет тармоғида, телевидениеда жойлаштириш ва ҳ.к.).

8. Дарс жараёнига қўйиладиган талаблар

Молиявий саводхонлик дarsi қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- услубий ишланма ва дарснинг мазмуни Танлов мавзуси ва мақсадига мос келиши;

- материал тизимлаштирилган бўлиши;

- услубий ишланма маълум материаллар, босма ва электрон ресурслар манбаларини ўз ичига олиши зарур;

- дарс ижодий ёндашув билан интерактив шаклда ўтказилиши керак;

- дарсларда Марказий банкнинг ўқув фанларига молиявий саводхонлик компонентларини киритиш бўйича услубий ишланмасидан фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, танловга ўқувчиларнинг дарс давомида бажарилган ишлари (расмлар, композициялар, иншолар, тақдимотлар, ижодий ишлар ва бошқалар) юборилиши мумкин.

9. Ўқитувчилар учун танлов ишларини баҳолаш мезонлари

Танлов ишлари 100 баллик тизимда баҳоланиб, ҳар бир мезонга максимал 25 баллдан берилади.

Танлов ишлари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

- молиявий саводхонлик компонентини ўқув фанларига киритилганлик даражаси – 25 балл;

- дарсга ижодий ёндашув – 25 балл;

- машғулотларни ўтказиш учун интерактив формат – 25 балл;

- қўшимча материаллар ва манбалардан фойдаланиш – 25 балл.

Танлов ғолиб ва совриндорлари Марказий банкнинг қуйидаги эсдалик совғалари билан тақдирланадилар:

1-ўрин – **моноблок;**

2-ўрин – **ноутбук;**

3-ўрин – **принтер.**

Ғолиблар тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида шахсий маълумотлар (ўқитувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, иш жойи ва олиб борадиган ўқув фани) кўрсатилган ҳолда эълон қилинади.

10. Танлов натижалари бўйича апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби

Апелляция Танлов иштирокчисининг танлов натижалари бўйича норози бўлган вақтда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи апелляция учун ариза бериш ҳуқуқига эга. Апелляция берган Танлов иштирокчисига унинг иши Танлов мезонлари ва қоидалари асосида текширилгани ҳамда баҳоланганига ишонч ҳосил қилиш имконияти тақдим этилади.

Танлов иштирокчисининг апелляцияси танлов натижалари эълон қилинган куннинг ўзидан кечиктирилмаган ҳолда ёзма ариза шаклида қабул қилинади ва ҳакамлар ҳайъати томонидан 7 иш куни ичида кўриб чиқилади. Белгиланган муддат ўтганидан сўнг тақдим этилган апелляция (шикоятлар) қабул қилинмайди. Апелляция (шикоят) мазмуни фақат баҳолаш мезонлари ва қоидаларга нисбатан норозиликдан иборат бўлса, бундай шикоят қабул қилинмайди.

Апелляцияни кўриб чиқиш натижаларига асосан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- апелляцияни бекор қилиш ва эълон қилинган балларни ўз кучида қолдириш;
- апелляция шикоятини қондириш ва балларга тузатиш киритиш.

Танлов якуний натижалари Ҳакамлар ҳайъати томонидан апелляциялар натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҳакамлар ҳайъати йиғилиш қарори билан расмийлаштирилади.